



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ҲАМҚОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган




2000-йил 13 октябр жума Сوتувда эркин нархда № 204 (2501)

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида агросаноат мажмуининг шу йилнинг тўққиз ойи давомидаги фаолияти яқунлари ва навбатдаги вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири Т.Холтоев бошқарди.

ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА: ҲАМҚОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

12 октябр куни Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов кутиб олди.



Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида, асосан, иқтисодий масалалар муҳокама қилинди. Украина бизнинг асосий иқтисодий шерикларимиздан биридир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми юз миллионлаб АКШ долларини ташкил этади.

қаришининг ўсиши кузатилади. Мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг салмоқли ҳуқуқий асоси мавжуд. Шу кунгача бу борада юзга яқин ҳужжат имзоланган бўлиб, улар мамлакатлар орасидаги муносабатларнинг деярли барча жиҳатларини қамраб олади.

1999 йилда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Украина раҳбари Леонид Кучма томонидан имзоланган 1999-2008 йилларда ўзаро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб бергани билан муҳим аҳамиятга эга. Унда кўпмақсадли лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотиқни янада яхшилаш, маҳсулот ва транспорт транзитига кенг йўл очилиши ҳамда кучайтириш каби вазифалар акс этган.

«Дўрмон» да бўлиб ўтган музокаралар сўнгида эришилган келишувлар мазкур ҳуқуқий пойдеворни янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон билан Украинанинг ўзаро ҳамкорлиги стратегик асосда қурилгани бу муносабатларнинг юксак даражада эканидан дарак беради.

шахсларнинг фуқаролиги масаласини ҳал қилишда ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ахдлашув қабул қилинди. Шундан кейин оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Президентлар музокараларда қўрилган масалаларда томонларнинг қарашлари бир-бирига тўла мос тушганини эътироф этди.

«Дўрмон» да бўлиб ўтган музокараларнинг қанчалик самарали кечганини имзоланган ҳужжатларнинг сони ҳам кўрсатиб турибди. Леонид Кучманинг юртимизга ташриф ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлиги янада юксалтириш Ўзбекистон учун ҳам жуда манфаатли эканини яна бир бор намоён қилди.

Украина Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифидан сўнг, Р. Жуманиёзов олган сурат.

ЯНГИЧА ЯШАШГА ИШОНЧ қашқадарёликларни изланиб ишлашга ундамоқда

Қашқадарё вилоятида пахта тайёрлаш суръати у қадар юқори эмас. Шартнома режасини бажарган ҳўжаликлар бармоқ билан санарли. Пахтачиликдан фойда кўраётган жамоалар ҳам санокли. Ҳўш, нега бундай бўляпти? Наҳотки, фақат қурғоқчилик сабаб бўлса? Унда нега Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ҳўжалиги бу йилги шартнома ҳам айна шу тармоқдан қарийб 90 миллион сўм фойда олмоқда? Йўқ, бу ерда бошқа гап бор.



Ташаббуснинг туғилиши

«Оғир бўляпти, — деди Муборак туманидаги «Гулистон» ҳўжалиги бошқаруви раиси Усмон Номозов. — Аммо ҳаракат қилаёلمиз. Ҳаракат қилса, чораси топиларкан. Мана, «Магnum»-нинг орқасига диаметри 1 метрдан зиёд органи тиркаб, кесакни майдалаб тупроқнинг дондор бўлишига эришяёلمиз.

«Бундайлар кўп, — қўшимча қилди Усмон Номозов. — Оилавий пудратчи Комил Искандаров ҳам 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26 центнердан пахта йиғиштириб олди. Омон Гойибов эса 20 гектар ердан 51 тонна ҳосил кўтарди. Уларнинг гўзалари икки марта суғорилганда-да. Бу ерда ҳам шудгорлашга киришилди.

«Туркистон» ҳўжалиги бошқаруви раиси Матинёз Бойировнинг айтишича, 295 гектар майдонга галла экилибди. Яна 150 гектар ерда дон сепиларкан. — Дастлаб уруғ экилган жойларда, масалан, Ҳусан Азимовга қарашли 19 гектар майдонда, Рўзиқул Ҳамроевга қарашли 8 гектар ерда майса бир текис кўқариб чиқди.

Ҳўш, нега бундай бўляпти? Наҳотки, фақат қурғоқчилик сабаб бўлса? Унда нега Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ҳўжалиги бу йилги шартнома ҳам айна шу тармоқдан қарийб 90 миллион сўм фойда олмоқда? Йўқ, бу ерда бошқа гап бор. Қоқоқчиликнинг боиси фақат табиатта ботқил эмас. Вилоятнинг янги раҳбари қишлоқ ҳўжалигида қоқоқчиликнинг асл сабабини, туб илдизини топишга интилади. Назаримда, мақсадга эришилди ҳам. Бу фикрни мен жойларда бўлганимда, кўплаб кишилардан — миришор қоқоқчилар, тақрибали раҳбарлардан эшитдим.

«Ҳўш, нега бундай бўляпти? Наҳотки, фақат қурғоқчилик сабаб бўлса? Унда нега Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ҳўжалиги бу йилги шартнома ҳам айна шу тармоқдан қарийб 90 миллион сўм фойда олмоқда? Йўқ, бу ерда бошқа гап бор. Қоқоқчиликнинг боиси фақат табиатта ботқил эмас. Вилоятнинг янги раҳбари қишлоқ ҳўжалигида қоқоқчиликнинг асл сабабини, туб илдизини топишга интилади. Назаримда, мақсадга эришилди ҳам. Бу фикрни мен жойларда бўлганимда, кўплаб кишилардан — миришор қоқоқчилар, тақрибали раҳбарлардан эшитдим.

«Ҳўш, нега бундай бўляпти? Наҳотки, фақат қурғоқчилик сабаб бўлса? Унда нега Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ҳўжалиги бу йилги шартнома ҳам айна шу тармоқдан қарийб 90 миллион сўм фойда олмоқда? Йўқ, бу ерда бошқа гап бор. Қоқоқчиликнинг боиси фақат табиатта ботқил эмас. Вилоятнинг янги раҳбари қишлоқ ҳўжалигида қоқоқчиликнинг асл сабабини, туб илдизини топишга интилади. Назаримда, мақсадга эришилди ҳам. Бу фикрни мен жойларда бўлганимда, кўплаб кишилардан — миришор қоқоқчилар, тақрибали раҳбарлардан эшитдим.

«Ҳўш, нега бундай бўляпти? Наҳотки, фақат қурғоқчилик сабаб бўлса? Унда нега Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» ҳўжалиги бу йилги шартнома ҳам айна шу тармоқдан қарийб 90 миллион сўм фойда олмоқда? Йўқ, бу ерда бошқа гап бор. Қоқоқчиликнинг боиси фақат табиатта ботқил эмас. Вилоятнинг янги раҳбари қишлоқ ҳўжалигида қоқоқчиликнинг асл сабабини, туб илдизини топишга интилади. Назаримда, мақсадга эришилди ҳам. Бу фикрни мен жойларда бўлганимда, кўплаб кишилардан — миришор қоқоқчилар, тақрибали раҳбарлардан эшитдим.

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Бугунги кунда Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг нафақат МДҲ доирасида, балки ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосидаги икки томонлама муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Таъбир жоиз бўлса, бу жараён борган сари янгича кўлам ва қиёфа касб этаётир. Хусусан, Ўзбекистон билан Украина ўртасида йўлга қўйилган алоқалар бунга яққол далилдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд дўстлик ва ҳамкорлик аналалари чўқур илдизга эга. Қадимий ёзма наваларнинг гувоҳлиги беришича, Х асрлардаёқ Хоразм ва Киев ўртасида дўстлик алоқалари ўрнатилган. Машҳур кўбичи Тарас Шевченконинг қадими ҳатто Орел бўйларига ҳам етган.

«Шарҳловчи мибари»


ро товар айирбошлаш ҳажми 320 миллион АКШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич шу йилнинг саккизи ойи давомида 25 фоизга ўсди. Агар биз Украина билан бир қаторда мамлакатимизни жуда катта иқтисодий салоҳиятга эга эканини (пахта экспортга бўйича дунёда АКШдан кейин иккинчи, олтин захираси бўйича бешинчи ўринда ва ҳоказо), шунингдек, сармоядорларга

ганлиги ҳам халқларимиз дўстлиги мустаҳкам ўзанага эғалигидан дарак беради. Украина Президентини Леонид Кучманинг мамлакатимизга қилган ташрифига катта қизиқиш билан қараётганининг сабаби ҳам ана шу. Кеча мамлакатимиз ва Украина Президентларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун бўлган матбуот анжуманида ҳам ушбу ташриф истибқолдаги муштарак масалаларни енишда юксак амалий аҳамият касб этиши айтилди. Шунингдек, икки давлат раҳбарлари бўлиб ўтган мулоқотлар давомида қўрилган масалалар, эришилган келишувлар хусусида сўзладилар. Томонларнинг музокаралардан тўла қониқиб ҳосил қилгани таъкидланди.


МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

«Навоийэлектрим» заводиди ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Завод ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Жамиятда кўп йиллар ноқуш манзара ҳукм сурди. Чунки завод банкорт ҳолига тушиб қолган эди.

«Навоийэлектрим» заводиди ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Завод ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Жамиятда кўп йиллар ноқуш манзара ҳукм сурди. Чунки завод банкорт ҳолига тушиб қолган эди.



СУРАТЛАРДА: лаборант Вера Леоненко; заводнинг умумий қўриғини. Собир ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ифтихор

роғи, рамзи рангидан чиқмаслик кераклигини уқтирдилар. Бундай қараганда оддий кўринган нарсаси наҳот ҳаёлимизга келмади, дея ўзимизнинг койидик. Мустақилликнинг тамал тоши қўйилиб, пойдевори мустақамланаётган бир пайтда бунёд эти-

бунёд бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси, Темурийлар тарихи Давлат музейида гўмбазлардан фойдаланилди. Миллий хунарманчилик тили билан айтадими...

дик. Ҳақиқатан, ташқаридан қараганда тилла билан ишланган ёки тилла суви юритилгандек турлади ва Амр Темур даври қошоналарини эслатади. Бир кун чет эллик туристнинг «Амир Темур даври усталари ҳали ҳам бор экан-а... Сизларда халқ ама-

корликнинг энг гўзал, нафис намунаси ҳисобланади. Улуғ аллома Имом ал-Бухорий ҳазратлари макбара-мажмуасининг қурилишида қатнашганининг ўзи биз учун катта бахт.

ИСТИҚЛОЛ САЙҚАЛИ



Мустақиллигимиз шундоққина қўлга киритилмаганидек, мустақиллик иншоотларининг қурилиши ҳам ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

Яқинда Самарқанднинг Хартанг қишлоғидаги Имом ал-Бухорий ҳазратлари қадимжоларини зиёрат этиш насиб қилганди. Ушанда бу масканнинг осори-атиқаларига, хунарманда усталарнинг ўймакорлик ишларига маҳлиё бўлиб, уларнинг ранг таллашдаги нозик деталарига қойил қолгандим. Ва бу ажойиб санъат асари ижодкорлари билан танишиш насиб этармикан, деб ўйлагандим. Қизиқ, тоғ тоғ билан учрашмайдию, лекин яхши ният қилинса, одам одам билан учрашиши бор гап экан.

Сўхбатдошим: Абдурахим Умаров, олий маълумотли меймор, ганчкор уста. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. Ўзбекистон Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси махсус ижодий-ишлаб чиқариш «Усто» бирлашмаси бош директори.

— Талабалик йилларим Киев шаҳрида бўлганимда кўча юзига бўлган биноларнинг тўқ қизил ранги менга галатга туолган. Ҳали-ҳануз ўша Киев кўчаларини эсласам, куз фаслида бўлаётган булутли вақтлар ёдимга тушади. Ваҳоланки унда баҳор эди.

— Ҳар бир халқнинг миллий хунарманчилигида ишлатилган ранглар бўлади. Кўшили ўлкаларда ёруғ ранглардан фойдаланилади, аслида... Эътибор берган бўлсангиз йўл, катта кўчалар юзига биноларнинг ранги ҳам кўпинча оқ рангга бўлади. Миллий хунарманчиликнинг тарихида эса биз асосан олма-боболаримиз ишлатадиган ранглардан фойдаланиб келганмиз. Мустақиллик майдонидagi Хотира хибобининг чизмаларини тайёрлаганимизда ушанча Президентимизнинг ўзлари қўриб бердилар. Лоийҳа ҳақидаги фикрларини тушунтириб, ранг хусусида алоҳида тўхтадилар. Миллатимиз моас ранг танлаш лозимлигини, давлат бай-

лаётган бинолар ранги албатта байроғимизнинг ҳаво ранг, бағр ранг, оппоқ рангларини ифодалашда рамзий маъно бўлади-ку. Киев шаҳри биноларининг ранги кайфиятининг дарҳол таъсир қилганидек, кўшили ўлкамизга келган меҳмонларга янги иншоотларнинг ранги мустақиллигимизнинг рамзий белгиларини бир қарашнинг ўзидаёқ эслатиб турса, бу ахир фахр эмасми?

— Абдурахим ака, хибобдаги ҳар бир айвончанинг ўзига хослиги ҳақида кўп гапирилди. Уларда ҳар бир вилоятнинг усталари ўз маҳорати, биллимини кўрсатганига шубҳа йўқ. Лекин улар бунёд этган айвончалардаги устунлар шакли-шамойили деярли бир хил-а...

— Шакли бир хил бўлгани билан ундаги ўймакор нақшлар, безакларга диққат қилсангиз ҳар бир вилоятнинг ўзига хос ва мос ўйма услубларини сезасиз. Бу ўша авлод-аждоғлардан ўтиб, шу кунгача етиб келган усталарнинг мактаби сабоғи намуналаридир. Лекин бу ерда бошқа гап бор. Устунларга ишлатилган меъморий услубларнинг ташқаридан қай даражада кўриниши ўша устунларнинг бўй-бастига боғлиқ. Энг юқори қисмидан тортиб, муқарнас ва пойдеворнинг муаносиблигида алоҳида ўлчамлари аниқ бўлгани учун ҳам устунларнинг бўй-басти янада баландлашади. Қилинган меҳнат ҳам яққолроқ қурилади.

— Кейинги йилларда

лади. Улар бундан 500-600 йил илгарилари ҳам ишлатилган. Кейинчалик...


— Ёдан кўтарилганими? — Шароит кўтармаган, десак тўғрироқ бўлар. Чунки ўша пайтларда марказ «миллийлик» деган сўзнинг ўзидан «қўрқарди». Миллий услубда бинолар бунёд этиш эса нақадар мушкул иш бўлганини яхши эслаймиз. Республикадаги йирик иншоотлар у ёққа турсин, кичикроқ бино ҳам марказнинг руҳини сўзи қурилмасди. Шу боисдан халқ амалий санъатининг миллий қирраларидан фойдаланишга ҳам очиги ҳайқардик...

— Абдурахим ака, Имом ал-Бухорий ҳазратларига атаб бунёд этилган мажмуа Самарқанднинг кўна ёдгорликларининг узвий давомини, гўё ўша даврларда яратилган обидага ўртайди.

— Бунинг учун анча тёр тўқишга тўри келди. Биз сира эътибор бермаган бир усулга Президентимиз диққатимизни жалб этдилар. Шохизинда мажмуада уч қатламий ўймакорлик иши бажарилган эшиклар урнатилган экан. Шундай ишни бугун беш асрдан кейин такрорлаш лозим эди. Самарқандлик уста Миржалол Асадов оила-си бу ишда бизга кўмакдош бўлди. Ваҳоланки, уч қатламий ўйма қилиш жуда мушкул иш. У ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайдими. Ганчкорликда бу услубни қўлаш мумкин, лекин уч қатламий ёғоч ўймакорлиги услубида бажарилган иш ўйма-

корликнинг энг гўзал, нафис намунаси ҳисобланади. Улуғ аллома Имом ал-Бухорий ҳазратлари макбара-мажмуасининг қурилишида қатнашганининг ўзи биз учун катта бахт.

— Бунинг учун анча тёр тўқишга тўри келди. Биз сира эътибор бермаган бир усулга Президентимиз диққатимизни жалб этдилар. Шохизинда мажмуада уч қатламий ўймакорлик иши бажарилган эшиклар урнатилган экан. Шундай ишни бугун беш асрдан кейин такрорлаш лозим эди. Самарқандлик уста Миржалол Асадов оила-си бу ишда бизга кўмакдош бўлди. Ваҳоланки, уч қатламий ўйма қилиш жуда мушкул иш. У ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайдими. Ганчкорликда бу услубни қўлаш мумкин, лекин уч қатламий ёғоч ўймакорлиги услубида бажарилган иш ўйма-



корликнинг энг гўзал, нафис намунаси ҳисобланади. Улуғ аллома Имом ал-Бухорий ҳазратлари макбара-мажмуасининг қурилишида қатнашганининг ўзи биз учун катта бахт.

Сўхбатдош: «Халқ сўзи» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА.

ИПАК ЙЎЛИ — МУЛОҚОТ ЙЎЛИ

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва хорижий сармояларни жалб этиш, миллий-маданий қадриятларни жаҳонга тарғиб қилишда туризм муҳим омил саналади. Бу борада халқроқ микёсдаги ҳамкорликнинг кенгайтириш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Сайёҳлик тизими тараққиётига ҳукуматимиз томонидан улкан эътибор қаратилаётганининг асосий сабаби ҳам шунда. Юртимиз туристик имкониятларини дунёга намойиш этиш, халқроқ сайёҳлик соҳасида ер-куррасининг энг нуфузли компаниялари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш миллий туризм ривожини унча янада кенгроқ йўл очади. Таъкидлаш жоизки, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури соҳани янги босқичга кўтариш, унга хорижий сармояларни жалб этиш борасида асосий дастуриламал бўлмоқда.

«Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган «Ипак йўли бўйлаб туризм» олтинчи халқроқ туристик ярмаркасининг

тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов ватанимиз истиколи Шарқ ва Ғарб ўртасидаги мустақам ришта саналган Буюк Ипак йўлини тиклаш имкониятини яратганини алоҳида таъкидлади. Очилиш маросимида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Франческо Франжиалининг анжуман иштирокчиларига табриги ўқиб эшиттирилди. Мазкур табрикда Ўзбекистоннинг халқроқ туризм оламида нуфузи охири бораётганига таъкидланган.

Марказий Осиё минтақасида энг йирик туристик анжуман ҳисобланган мазкур ярмаркада дунёнинг ўттиз беш давлатидан икки юздан ортиқ компания иштирок этмоқда. Уч кун мубоайнида ярмарка қатнашчилари жаҳон туризмидagi ютуқ ва муаммолар, тупланган тажриба хусусида фикр алмашиб, қўлаб ўзаро манфаатли шартномалар имзолаши кутилмоқда.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси мажлиси

Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда тартиб-ҳисобни, шунингдек иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини оширишга доир қарорларнинг ижро этилиши, қорхоналарда хорижий валюта тушувлари аҳволи муҳокама этилди.

Мажлисни мазкур комиссия раиси, Марказий банк раиси Ф.Муллажонов бошқарди.

Жорий йилнинг учинчи чорағида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш кўрсаткичлари мамлакат микёсида кўзда тутилган даражадан анча оқори бўлди. Ушбу даврда банклар кассаларига 21,1 миллиард сўм ёки 9,6 фоиз қўн нақд пул келиб тушди. Муомалага нақд пул чикариш ҳажми мамлакат бўйича кўзда тутилган даражадан паст бўлди. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида эса муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Мажлисда Бухоро вилоятининг Қорақўл, Пешку туманларида, Навоий вилоятининг Навоий шаҳри ва Хатирин туманида, Наманган вилоятининг Наманган, Тўрақўтон ва

Янгиқўрган туманларида, Самарқанд вилоятининг Гузалкент, Пайариқ туманларида ва Каттакўрган шаҳрида, Тошкент вилоятининг Ангрени, Янгийўл шаҳарларида ва Қуйиқирчиқ туманида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш ҳамда муомалага чикариш бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилмагани алоҳида таъкидланди. Таҳлиллар мазкур худудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари ўз ваколатлари доирасида етарли ишлар олиб бормагани, мавжуд имкониятлардан ўлқ фойдаланмагани, пул фаолиятида қатий назорат ва талабчанлик етишмаганини кўрсатди.

Ушбу масала юзасидан вилоятлар худудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитилди. Уларнинг зиммасига октябр ойининг қолган кунларида мавжуд аҳволни яхшилаш юзасидан зудлик билан тегишли чора-тадбирларни кўриш, кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминламаган шаҳар ва туманлар Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг жавобгарлигини кўриб чиқиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, мажлисда худудий комиссиялар раҳбарлари зиммасига «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни ушқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарори таълиқларини оғишмай бажариш, теримчилар билан ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, уларга қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида жойларда кўчама савдо дўконлари ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўлиниши учун вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси муҳокамаи чоғида пенсия ва нафақалар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари ўз вақтида тўлаб борилаётгани қайд этилди. Шу билан бирга айрим ҳўжалик ҳисобидagi ташкилотларда қорхоналар раҳбарларининг айби билан иш ҳақи тўловларида асоссиз узилишларга йўл қўйилмоқда. Бу борада ишчи қонирасиз ташкил этган Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри худудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари зиммасига тегишли ҳўжалик субъектлари раҳбарлари билан биргаликда мазкур қарздорликларни жорий йил охиригача тўлиқ барқарор этиш юзасидан барча зарур чораларни кўриш вазифаси юклатилди.

(ЎЗА).

«Янги ҳаёт» маҳалласида қарор топган тартиб-интизом, аҳиллик, ҳашар йўли билан амалга оширилган хайрли ишлар ҳақида эшитганимда, бу жойнинг оқсоқоли ўта қаттиққўл, ушлаган жойини кесадиған одам бўлса керак, деб тасаввур қилгандим. Чунки нафақат Зангиота тумани, балки Тошкент вилоятининг энг чекка қишлоқларидан бирида аҳоли кучи билан ҳавас қилса арзийдиган бола-лар боғчаси, футбол стадиони, чойхона, сартарошхона барпо этиш, йўллар четини анвойи гулзорга айлантириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдими. Яқинда атроф қишлоқларда яна бир гап тарқалди.

— «Янги ҳаёт»ликлар замонавий гузар барпо этишмоқчи эмиш. Баҳордан спорт клуби қурилишига киришишармиш. Бокс бўйича тренерни топи-б, гаплашиб ҳам қўйишибди.

Шамол бўлмаса, дарактининг уч қимирламайдими. Ҳар ҳолда бу гаплар бажиз эмасдир, деган ўйда «Бўзсув» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Туроб Ваҳобов би-

лан учрашдим. — Ҳаммаси рост, — деди у савоимга жавобан. — Маҳалла раиси Ислам Орифонов ҳақиқатан ҳам жуда ташкилотчи, тадбиркор йигит. Янгиликка ўч. Қайси ишга қўл урса, охирига етказмай қўймайди. Кетдик, яхши-сини, унинг ўзи билан таништира қолай.

«Бўзсув» фермерлар уюшмасига қарашли бу қишлоқда авваллари ҳам кўп бўлганман. Аммо кейинги пайтларда бунчалик ўзгариб кетганини билмаган эканман. Асфальт йўлнинг икки четига қиройли қилиб гуллар экилган. Уйларнинг деворлари оқланган, дарвозалар бўялган. Ҳаммаёқ озода, саранжом-сарышта.

— Мана, «Янги ҳаёт»га ҳам етиб келдик, — деди раис машинасини тўхтатиб. Сўнгра йўлнинг чап томонидаги қиройли бинога ишора қилди. — Ҳашар йўли билан қурилган болалар боғчасини «Кўшча», деб

Биз шундай яшаймиз

атадик. Очиги, кичик бир маҳаллада ҳашар билан қурилган боғчани нари борса каттароқ

ри уюшма ҳисобидан. Бу ерда 1-4 синф болалари ўқишади. — Бу ишининг ҳам ташаббускори оқсоқол

АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА...

Мақтаб битди, боғча битди. Навбат — маданият уйи билан спорт клубига

бир уйдаи бўлса керак, деб тасаввур қилгандим. Кўриб турганим эса шаҳарликлар ҳам ҳавас қилса арзигулки иморат эди. — 75 нафар болага мўлжалланган, — деди раис. — Таъминоти ва ҳодимлар маоши фермерлар уюшмаси ҳисобидан.

Боғчанинги кунчиқар томонида ундан икки баробар катта яна бир қиройли бино, ҳовлида болақайлар қийқириб ўйнаб юришибди. — Айтмоқчи, мана бу бошланғич мақтабни ҳам маҳалла ҳашар билан тиклаган. Фақат қурилиш материалла-

бўлса керак? — Марказдаги 19-мақтаб қишлоқдан тўрт қақирим олисда. Болалар ёгин-сочинли кунларда жуда қийна-лишарди. Ислам уюшма раисини ҳоли-жонига қўймай, бу масалани ҳам нихоисига етказди. Мақтаб ишга тушди-ю, партиалардан қийналишяпти. Маориф раҳбарларига учрашдик. Ваъда беришди. Лекин оқсоқолнинг нияти фақат тарта ундириш эмас. Мақтабни 9 йилликка айлантириш ҳаракатида. Яна бир гапрат қилса, келаси ёзда қўшимча би-

бир қисми маҳалла юмушларига сарфланади.

Нихоят, оқсоқолни ҳам учратдим. Учратдим-у, тасаввурим бутунлай ўзгариб кетди. Урта бўй, оқсарикдан келган, зибеланмо йигит билан сўхбатлашган одам унинг уста дехқону моҳир курувчи, бунинг устига маҳалла оқсоқоли эканлиги ишонини қийин. Камтарлигини айтмайсизми!

— Ҳазимиз тўғилиб ўсган жойи ўзимиз обод қилишимиз керак-да, ака. Фақат, кўпчилик қўлаб турса бўлгани, — дейди

раисга ишора қилиб. — Сизнинг муаммоларингиз сира тугамас экан-да, Ислам жон, — деди раис унинг елкасига қоқиб. — Қўлдан келган ёрдани берайимиз-ку...

— Уюшма бор-йўғи ярим ставкада ишлатган ҳамшираимиз шатини қисқартирмоқчи бўлапти, — деди бўш келмай оқсоқол. — Миндан ортиқ одамнинг иссиқ-совуғи бор, ака.

— Уюшма раиси билан ўзим гаплашаман. Бу ёғидан хотиржам бўлинг. «Диёр» фирмасига, теплица ҳўжалигига ҳам айтиб қўйдим. Кўмаклашиб туришади.

— Бундан буюғига қурилиш материаллари бироз арзонлашади. Бази нарсаларни баҳорга гамлаб қўйса, ёмон бўлмасди. Яна мўъжазгина маданият саройи билан спорт клуби қуриб оласа, меҳмонлардан сира тортинмайдиган бўлардик.

Оқсоқол ҳузуридан қайтар эканман, янги ҳаётликларга ҳавасим келди. Қанийди ҳар бир маҳаллада ана шундай гайратли, тиниб-тинчимас раис бўлса.

Темур АБДУРАХИМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида

УМУМИЙ ЙИГИЛИШГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

«Президентимиз ўз маърузаларида ерларни фермерларга бериш ва уларга яқиндан қўмақлашни зарурлигини тақдор ва тақдор айтиб келмоқдалар, — деб ёзилиши ўз хатларида хонкалик фермер ҳўжаликларининг бошлиқлари Б.Бобоқонов ва Ю.Шариповлар. — Шу кўрсатмалардан тўғри хулоса чиқариб ўрнига туман раҳбарлари улардан ерларни тортиб олмақдалар. «Ижодкор» фермер ҳўжалигига 15, «Нилуфар» фермер ҳўжалигига эса 30 гектар ер майдонини берилган эди. Утган йил эса ерларининг катта қисми жамоа ҳўжалигига қайтариб берилди. Бундан биз ранжидик. Керакли раҳбарларга учрашдик, лекин натижа бўлмади».

Шикоят қўриб чиқиш учун Хоразм вилоят ҳокимлигига юборилган эди. У ердан туман ҳокимлигига юборишди. Шу боис тақрири ушбу масалаларга Хонда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари жаноб Р.Холмуратов имзоси битилган жавобини олди. Унда айтилишича, ҳақиқатда, «Ижодкор» ва «Нилуфар» фермер ҳўжаликларига мева ва узум боғлари «Янги ҳаёт» ширкат ҳўжалиги вакиллари йиғилишининг 1995 йил 20 июл қарори билан ижара ҳажини ҳар йили ширкат ҳўжалигига тўлаш шарти билан муддатли қўрсатилмасдан ижара берилган. Шу сабабли туман ҳокимининг 1995 йил 29 июлдаги қарори деҳқон-фермер ҳўжаликларини рўйхатдан ўтказиш, уларга банкда ҳисоб рақамларини очиш ва мўр тайёрлашга руҳсат бериш тўғрисида чиққан. Ҳоким томонидан бу фермер ҳўжаликларга ер ажратиш тўғрисида қарор чиқарилмаган.

Туман ҳокимининг 1998 йил 21 сентябрдаги қарори билан «Нилуфар» ва «Ижод-

кор» фермер ҳўжаликлари қайта рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг ҳар бирига 2 гектар боғ майдони 10 йил муддатга ижарага ажратиб берилган. Ҳозирги кунда фермер ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Хат муаллифларига ўз аризаларида кўрсатилган боғ ва тоқорларни қўшимча олишлари учун Ўзбекистон Республикасининг «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига асосан биринчи галда жамоа ёки ширкат ҳўжалиги бошқаруви ва туман ҳокимига ёзма муурожаати ширкат ҳўжалиги умумий йиғилишида белгиланган тартибда қўриб чиқилиши тушунтирилди. Ширкат ҳўжалиги Уставига мувофиқ, умумий йиғилиш бир йилда бир марта чақирилишини эътиборга олиб, аризагўйлар фермер ҳўжалигини кенгайтиришни сўраб ширкат ҳўжалигига муурожаат этишлари, аризалар жорий йил якуни билан «Янги ҳаёт» ширкат ҳўжалигининг умумий йиғилишида қўриб чиқилишини билдирамиз.

Кузда пилла етиштирса бўладими?

Тошкент вилояти пиллакорлари учун бу йилги мавсум анча кечикди. Мутахассисларнинг фикрича, Бухорининг нисбатан қуриқчилик келиши мўл ва сифатли озук базаси етиштиришга жиддий таъсир кўрсатди. Натихада пилла етиштириш шартнома-режаси ууддаланмай қолди.

Яхши ният — ярим мол, деганларидек, мўлжалдаги қимматбаҳо саноат хомашўни етиштириш мақсадига пиллакорлар ўн беш йил илгари тажрибани қўллаб кўрди. Ўзбек ва хитой олимлари билан ҳамкорликда Хитойдан келтирилган ўн қути ипак курти уруғи кузда парваришланди. Натихада Бўстонлик туманидаги Тошкент пилла наслчилик ширкат хўжалигида ҳар қутидан 60 килограмдан ошириб «кумуш тола» олинди. Юқори чирчик, Оққўрғон, Бўка, Пскент туманлари пиллакорлари ҳам ўртача 45-50 килограмдан пилла етиштирди.

— Кузда ипак курти парвариш қилиш анча машаққатли иш, дейди вилоят ипакчилик бошқармаси бошлиғи Рустам Акбаров. — Бу даврга келиб тут барглари анча дағаллашиб қолади, ипак куртига дархнинг анги барглари териб бериш лозим. Шу боис пиллакорларга туланадиган ҳақ ҳам бир ярим-икки бараварга оширилди.

Айни кунларда вилоятда кузги пилла етиштириш якуни сарҳисоб қилинмоқда. Натиха қониқтирма, келгуси йилда бу тажриба кенг оммалаштирилади.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

«ПАРВИНА-БАНК»НИНГ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИ

Илгари хабар қилинганидек, Жаҳон банки гуруҳининг аъзоси, Халқаро молиявий корпорация (ХМК) билан «Парвина-банк» ўрта-сида ушбу корпорация томонидан банкда чет эл валютасида кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантиришга йўналтирилган кредит линияси очиш тўғрисида бош битим имзоланди. Бу муҳим воқеа мамлакатимизда ривожланиб бораётган кичик ва ўрта бизнесга, «Парвина-банк» фаолиятига ХМКнинг катта ишонч билдирганидан далолат беради.

«Парвина-банк» хусусида нималар дейиш мумкин? Бугун унинг низоом жамғармаси 300 миллион сўмга тенг. 2001 йилнинг 1 январига-ча бу кўрсаткич-ни муассисларнинг бадаллари ҳисобига 500 миллион сўмга етказиш мўлжалланган.

«Хусусий банк хусусий бадалларсиз иш юрита олмайди» — банк фаолияти мана шу оддий ҳақиқатга асосланади.

Бугунги кунда «Парвина-банк»нинг Самарқанд, Тошкент, Бухоро шаҳарларида йигирмата минг банки ва бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Ана шу бўлимлар, минг банклар одамлар энг гавжум жойлар — бозорлар, маҳаллаларда жойлашган. Айни шу ҳол «Парвина-банк»ка мижозларни кўпайтириш имконини берди. Уларнинг сони эса тобора ортиб бормоқда: Айтилик, банк фақат Самарқандда 10 минг омонатчига эга. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг олти мингга яқини жисмоний шахслардир.

«Парвина-банк» бошқарувининг раиси Дилшод Пўлатовнинг

сўзларига қараганда, мижозга Жаҳон банки амалиётида қабул қилинган ниҳоятда кенг рўйхат бўйича хизмат кўрсатиш, унга



омонатлар бўйича юқори фоизларни, ишончли кафолатларни таъминлаш ана шу ютуқлар омили бўляпти.

«Парвина-банк»да шу йил 1 августдан бошлаб жорий этилган «Борака» янги омонат тури, айниқса, мижозларга маъқул тушмоқда. Унинг йиллик фоиз ставкаси Самарқанд вилояти ва республикада энг юқори — 54 фоиз.

Виталий ШУЛЬГА.

СУРАТДА: «Парвина-банк» бошқаруви раиси Дилшод Пўлатов ва ХМК ижрочи вице-президенти Питер Войке битимни имзолаш чоғида.

Александр ХАРИТОНОВ
олган сурат.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ

МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ


ПУЛЛИ-ШАРТНОМА АСОСИДА

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

ЎҚИТУВЧИСИ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Факультетда таълим **юридик шахслар** (ишлаб чиқариш корхонаси, идора, корпорация, акционер жамоаси ва ҳоказо) буюртмаси асосида **уч томонлама ёки жисмоний шахслар билан икки томонлама** тузилган пулли шартнома асосида амалга оширилади (тўлов миқдори ва тартиблари шартномада кўрсатилади). Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ташкил этилади.



Факультетда ўқиш истагини билдирганлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Олий маълумоти тўғрисидаги диплом ва унинг иловаси кўчирмаси нусхалари.
2. Шахсий варақа.
3. 4 дона фотосурат (3 x 4 см ҳажмда).
4. 0-86 шаклдаги тиббий маълумотнома.

Ўқиш муддати: кундузги бўлимда — 9 ой, сиртқи бўлимда — 15 ой.

Тингловчилар ётоқхона билан таъминланади. Таълим якунида қайта тайёрлаш бўйича ўрнатилган тартибдаги нусхада ДИПЛОМ берилади.

Ҳужжатлар 2000 йил 1 октябрдан 25 октябргача қабул қилинади. Ўқиш 1 ноябрдан бошланади.

Манзилимиз: 700064, Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Глинка кўчаси, 3-уй (мўлжал - Бобур боғи). Маъмурий бино, 5-01 хона, Телефон: (3712) 555574.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Қўмита раисининг ўринбосари И.М. Собиров асоси

Маъсулда ая СОБИРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдарлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Зарбхона жамоаси Тошкент Қўғоз фабрикаси директори **Абдураим АБДУКАРИМОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур тазия билдиради.

ЎзРФА Генетика ва Усимликлар экспериментал биологияси институти жамоаси, институти директори, академик А. А. Абдукаримовга укаси

Абдураим АБДУКАРИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори ўринбосари — Тошкент қўғоз фабрикаси директори **Абдураим АБДУКАРИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур тазия изҳор қилади.

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, «УСТОЗ» РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

2000-2001 ўқув йили учун «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув қўлланмаси муаллифлари» республика танловини ўтказди.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАРИ ҚУЙИДАГИЧА:

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидagi ўқув муассасаларидан тақдим этилган қуйидаги дарслик ва ўқув қўлланмалар танловда ғолиб деб, эътироф этилди.

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича республика танловида иштирок этган дарслик ва ўқув қўлланмалардан:

1-ўрин — З. Шайхутдинова, Н. Суханова «Assalom, deutsch» дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 2000 йил.

2-ўрин — Р. Шомаҳмудова, М. Хужаева, «Она-тили», дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 1996 йил.

3-ўрин — Қ. Абдуллаева, М. Юсупов, М. Маҳмудова, М. Мавлонова «Ўқиш китоби», дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 1999 йил.

Математик ва табиий фанлар бўйича республика танловида иштирок этган дарслик ва ўқув қўлланмалардан:

1-ўрин — О. Мавлонова, Ф. Комилов «Зоология», дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 1998 йил.

2-ўрин — Ш. Алимов, О. Холмухаммедов, Ю. Колягин, Ю. Сидоров, М. Шабунин «Алгебра», дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 1997 йил.

3-ўрин — Т. Мирзалиев, П. Фуломов ва б. «Ўзбекистон географик атласи» ўқув қўлланма, Москва, «Драфа» 2000 йил.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидagi ўқув муассасаларидан тақдим этилган қуйидаги дарслик ва ўқув қўлланмалар танловда ғолиб деб, эътироф этилди:

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича республика танловида иштирок этган дарслик ва ўқув қўлланмалардан:

1-ўрин — В. М. Каримова, Ф. А. Акрамова «Психология», маърузалар матни, ОУМТВ, Тошкент, 2000 йил.

2-ўрин — Х. Йўлдошхўжаева, Д. Раҳимжонов, М. Комилов «Диншунослик», маърузалар матни, ОУМТВ, Тошкент, 2000 йил.

3-ўрин — Ш. Абдулла «Ахлоқшунослик», маърузалар матни, ОУМТВ, Тошкент, 2000 йил.

Қуйидаги ўқув қўлланмалар раббатлантирувчи пул мукофоти билан тақдирланади: Ш. Қобилов Президент И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бугунгиси: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» кўрсатмалари ўқув қўлланма, Тошкент, «Шарқ» матбаа концерни, 1999 йил.

Т. З. Имомова «Уроқи по развитию навыков узбекской речи», ўқув қўлланма, Тошкент, ЎзР ИИВА, 1998 йил.

Математик ва табиий фанлар бўйича республика танловида иштирок этган дарслик ва ўқув қўлланмалардан:

1-ўрин — Б. А. Абдалимов «Олий математика», дарслик, Тошкент «Ўқитувчи», 1994 йил, ТДАУ.

2-ўрин — А. Абдусаматов, Р. Зияев, Б. Акбаров «Кимдан тестли савол ва масалалар», ўқув қўлланма, Тошкент, «Ўқитувчи», 1998 йил, ТДАУ.

3-ўрин — З. Собиров «Органик кимё», ўқув қўлланма, Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 йил, ТТЕСИ.

Умумқасбий фанлар бўйича танловга тақдим этилган дарслик ва ўқув қўлланмалардан:

1-ўрин — У. Тажиханов, А. Саидов «Хуқуқий маданият назарияси», дарслик, Тошкент, ЎзР ИИВА, 1998 йил.

2-ўрин — К. С. Абдурашидов, Д. А. Хобилов, Н. Ж. Тўйчиев, А. Ф. Раҳимбоев «Куриллиш механикаси», дарслик, Тошкент, «Ўзбекистон» 1999 йил, ТАҚИ.

3-ўрин — А. Даулетов «Хозирги қорақалпоқ тили», дарслик, Нукус, «Билим», 1999 йил, Қорақалпоғистон ДУ.

3-ўрин — Р. Тожибоев, А. Жўраев «Машина деталлари», дарслик, Тошкент, «Ўқитувчи», 1999 йил, ТТЕСИ.

Қуйидаги дарслик раббатлантирувчи пул мукофоти билан тақдирланади: Л. В. Перегудов, А. Н. Хошимов, И. К. Шалагуров, С. Л. Перегудов «Автоматлаштирилган корхона станоклари», дарслик, Тошкент, «Ўзбекистон», 1999 йил.

Ихтисослик фанлар бўйича танловга тушган дарслик ва ўқув қўлланмалардан:

1-ўрин — Х. Ч. Бўриев «Сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилик», дарслик, Тошкент, «Мехнат», 1999 йил, ТДАУ.

2-ўрин — З. С. Зарипов, И. Исмоилов «Криптология», дарслик, Тошкент, ЎзР ИИВА, 1996 йил, ТДЮИ.

3-ўрин — С. Зайнобидинов, А. Тешабоев «Ярим ўтказгичлар физикаси», ўқув қўлланма, Тошкент, «Ўқитувчи», 1999 йил, АнДДУ.

3-ўрин — Х. Муҳамедов «Хорижий мамлакатлар давлати ва хуқуқий тарихи», дарслик, 1-қисм, Тошкент, «Адолат» 1999 йил, ТДЮИ.

Қуйидаги ўқув қўлланмаси раббатлантирувчи пул мукофоти билан тақдирланади: М. Усмонов «Брошюралаш, муқовалаш жараёнлари технологияси», ўқув қўлланма, 1-2 қисмлар, Тошкент, «Шарқ» матбаа концерни, 1999 йил, ТТЕСИ.

«УСТОЗ» РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ

1999-2000 ўқув йили учун

«Йилнинг энг яхши ўқитувчиси»

республика танловини ўтказди.

Унинг якуни бўйича қуйидаги даъвогарлар ғолиб деб топилди.

1-ўрин — Баратов Шариф Рамазанович, Бухоро Давлат университети доценти;

2-ўрин — Хушиев Ҳабибжон, Гулистон Давлат университети доценти;

3-ўрин — Юлдошева Марьям, Марғилон тижорат техникуми ўқитувчиси.

Танлов ғолибларига махсус дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилади.

«УСТОЗ» РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ

1999-2000 ўқув йили учун

«Йилнинг энг яхши илмий раҳбари»

республика танловини ўтказди.

Унинг якуни бўйича қуйидаги даъвогарлар ғолиб деб топилди.

1-ўрин — Махсумов Абдуҳамид Гофурович, Тошкент Давлат тиббиёт институти профессори;

2-ўрин — Фуломов Аскар Қодирович, Бухоро Давлат университети профессори;

3-ўрин — Қувондиқов Облоқул, Самарқанд Давлат университети профессори.

Танлов ғолибларига махсус дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилади.

«УСТОЗ» РЕСПУБЛИКА ЖАМҒАРМАСИ

1999-2000 ўқув йили учун

«Йилнинг энг яхши мураббийси»

республика танловини ўтказди.

Унинг якуни бўйича қуйидаги даъвогарлар ғолиб деб топилди.

1-ўрин — Қаҳҳорова Нафиса, Янгиер академик лицейи ўқитувчиси;

2-ўрин — Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич, Самарқанд кооператив институти доценти, проректор;

3-ўрин — Қурбанбаев Оразимбет, Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туман мактаби ўқитувчиси.

Танлов ғолибларига махсус дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилади.

«Устоз» республика жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари барча танлов ғолиблари ва ўқитувчиларни ютуқлари билан табриклаб, уларнинг республикамиз равақи ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётта самарали татбиқ қилиш йўлидаги фидойи фаолиятларига улкан муваффақиятлар тилайди!

«Устоз» республика жамғармаси бошқаруви,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги.

ХИЗРНИ КЎРГАН БОБО

«Нор бобо Хизрга йўлиққан» деган гап давраларда тез-тез тилга олинади. Бир кун кишлоқ болалари бобонинг ёнига бориб...

ва бошини кўтариб қараса халиги чол ўйк. «Хозир неча ёшдасиз, бобо?» дейишди болалар Нор бобонинг ҳикоясини эшитиб бўлишгач...

ўтирган экан. «Ие, ҳали онасизми айтишмабди, шекилли» деб пичирлайди Ройила хола...

қутириб бўлмайди. Нукул ўзиникини маъқуллагани маъқуллаган. Аёли жилов-лаб олишининг йўлини менга ургат!

ТАСОДИФМИ Ё ҚОНУНИЯТ?

Галакапалликларнинг айтишларича, Сайткул йигитлигида кўшни кишлоқдаги Норгулни шунчалик яхши кўрган эканки, бировнинг тилидан ана шу қизнинг отини эшитсам қизариб кетаркан...



КУЗ ОГУШИДАГИ БАХОР

Олтин рангда товланди боғлар, Қамтарлигин ташламади куз. Унинг соқин қадамларини, Ҳар галгидай сезмай қолдик биз.

Кўз кезади соқилар сочиб, Йўлақларда «қизиқди» сўзлар. Япроқларни бирма-бир босиб, Баҳор бўлиб келмоқда қизлар.

Юсуфжон ҲАМИДОВ.

Ҳаётини ҳангомалар

дифми ё чиндан ҳам Хизрга йўлиққан эканми, шу Нор бобо нақ тўқсоннинг устида қазо қилди...

Ўғри урдими ё...

Шошқалоқлик — ёмон одат. Ройила хола шу одадидан кўп марта панд еган. Бир кун эри Ортиқ ака ҳовлида ким биландир гаплашди...

ўғли Умиджон кириб келди! — Боллар ҳазиллашиб дўқонимизнинг деворини тешишибди...

Аёлни «ЖИЛОВЛАШ» УСУЛИ

Мана бу воқеани сарпирчиликлар хали-хали гапириб юришади. Шу кишлоқлик Андакул ақани хотини жуда иззат қилар...

бир мушукни эшикдан кiritиб юборди. Мен халиги мушукнинг бўйнидан қаттиқ қисдим-да...

«Обуна — 2001»

«ХАЛҚ СЎЗИ» — БИЗНИНГ СЎЗИМИЗ. Чорак асрдан бери сураткашлик қиламан. Хизмат тақозоси билан ҳар кун одамлар орасида бўламан...

«НАҲОТ, УМР БИР ЛАҲЗАЛИК...»

Оғзинг билан юрвочи бўлма, Оғзинг бор кўтарган сени. Ҳеч ким сендай оғиз осмон — Бўлмай, йиғиб олсин эсини.

Ҳаёт асли беш қунлиқдир, Сўнгера берар йўлимизни. Билар эса оғзимизга Тикамиз беш қўлимизни...

Толиб ЙЎЛДОШ.

Ота ғайратли бўлса, бола ибратли бўлар.

ЮТИШГА ЮТДИ-Ю... Испаниялик Пруденсе Рубиален исми йигит дўсти билан катта пулдан гаров бойлашиб...

Шахмат ҳангомаси ШОХИДА ЭМАС, БАРГИДА

1959 йили Югославияда бўлиб ўтган тож талабгорлари мусобақасига Сабаби Петросянни ютишга истаги зўр эди...

Олафссон: — Мен таслим бўлдим! Петросян мени орда қолдирди! — деб ҳайқира бошлади.



Оқлар бошлаб уч юришда мот бўлади.

Ўзга сэйераларда БИР КЕЧА-КУНДУЗ ҚАНЧАГА ТЕНГ? Маълумки, ерда бир кеча-кундуз 24 соатга тенг...

Куръа ташлагандан сўнг, биринчи турда Петросян билан ўйнашини билган Олафссон бир зумда қайқ топиб, ўзининг секундантини билан орол тарафга йўл олди.

Мустақиллик неъматларини тўлалигича ифода қилади «Халқ сўзи» газетасининг ўрни алоҳида. Уни бир кун ўқимасак, олам янглиқларидан бир кунга кечикамиз...

БЕНЗИНФУРУШЛАР

Бирок қўшни давлатларда нефт маҳсулотларининг нархи баландлигиндан хабар толган айрим шахслар уни четга олиб бориб сотиш пайиғига тушиб қолдилар.

Юртимизда мустақиллик туфайли нефт маҳсулотларини кайта ишловчи корхоналар барпо этилганлиги учун мавжуд техника воситаларининг ёниелигига бўлган талабни қондириш ижобий ҳал этиляпти.

Уша тунда 4 тоннадан ортиқ бензинни пуллаб устама фойдани энди чўнтакка урмоқчи бўлган Уртачирчиқ туманидаги «Штейнер» хусусий фирмасига қарашли шохбача оператори Шерзод Муродовнинг ҳам «ови» юришмади.

ЖУМБОҚ Ҳеч қанақа математик амалларни бажармасдан туриб, 666 сонини 1,5 баравар кўпайтириш мумкинми?



Жавобни 136-35-60 рақамли телефон орқали хабар қилинг. Ким биринчи ва тўғри жавоб берса, келгуси сонда маълум қиламиз.

Ушбу корей компаниялари билан танишиш ва амалий муносабатлар ўрнатish имкониятларига эга бўласиз.

Table with 2 columns: Компаниялар номи, Компаниялар тақдим этадиган маҳсулотлар номи. Lists various companies like So Young Textile Co., Ltd and their products.

Ўзбекистон бадий академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институти

2000 йил учун аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади. АСПИРАНТУРА: Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун...

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙСЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маълумот ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89; 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Аxbорот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 916, 18042 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ, Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА, Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ, Мусаҳҳах — Ш. МАШРАББОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга тошириш вақти — 21.00 тоширишди — 23.40 1 2 3 4 5 6